

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ВЕТЕРИНАРИЯ, ЗООТЕХНИЯ ВА ҚОРАКЎЛЧИЛИК ФАКУЛТЕТИ

**Ҳайвонлар анотомияси, физиологияси, жаррохлик ва фармакология
кафедраси**

РЕФЕРАТ

Мавзу: ОШҚОЗОН ВА ИЧАКЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ МОДДАЛАР.

Бажарди: 305-гуруҳ талабаси Мардонов Жамшид

Текширди: Холиқов А

Самарқанд-2014

Мавзу: ОШҚОЗОН ВА ИЧАКЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ МОДДАЛАР.

Сурги дорилар деб, ичаклар моторикасини кучайтириб, хазм канали бўйича химусни чиқишини тезлатувчи моддаларга айтилади.

Сурги дорилари таъсир кучи бўйича қуйидагиларга бўлинади;

- Кучсиз таъсир этувчилар – **ўсимлик сургилари.**
- Ўрта таъсир этувчилар - **туз сургилари.**
- Кучли таъсир этувчилар – **холиномиметиклар.**

Сурги дорилари таъсир жойи бўйича бўлинади:

- Ичакларни нисбатан ингичка бўлимларига таъсир этувчилар – **мойлар.**
- Ичакларни нисбатан йўғон бўлимларига таъсир этувчилар – **ўсимлик сургилари.**
- Ичакларни ҳамма бўлимларига таъсир этувчилар – **туз сургилари.**

Сурги моддалари таъсир механизми бўйича бўлинади:

- Ичакларда осмотик босимни ошириб, кўп миқдорда суюқликлар тўпловчи ва ичаклар рецепторларни қитиқлаб дефекация акти чақирувчи воситалар – **туз сургилари.**
- Ичаклар рецепторларини қитиқлаб, рефлектор равишда дефекация акти чақирувчи воситалар – **каломел, ўсимлик сургилари ва синтетик препаратлар.**
- Ичаклардаги қаттиқ массасини юмшатиб, уни ичакларда ҳаракатини енгиллаштирувчи воситалар – **мойлар.**

Қўллаш: ич қотишларда, захарланишларда, антигельментиклар қўллагандан кейин, ичаклар айниган ва ачиган озиқалар билан тўлиб қолганда.

Қўллаш таъқиқланади: Ичакларда яра ва қон кетиш ҳолатларида, ичаклар буралиб қолганда ва тошлар бўлганда. Лекин бўғоз ҳайвонларга эҳтиёт бўлиб қўллаш тавсия қилинади.

Мой сургилар.

Мойлар оғиз орқали қабул қилинган ошқозонга тушиб, ошқозондаги озуқа массасини юмшатади ва бу массани ичакларга ўтишини тезлаштиради. Сўнгра ичаклардаги ишқорий муҳит ва ферментлар таъсирида парчаланadi,

янги бирикмалар ҳосил қилиб, ичаклар рецепторларини қитиклайди ва сурги таъсирини намоён этади.

Мой сургиларига қўйидагилар киради:

1. Канакунжут мойи – Oleum Ricini
2. Пахта мойи – Oleum Gossypii
3. Бодом мойи – Oleum Amygdalarum
4. Шафтоли мойи – Oleum Persicorum
5. Зайтун мойи – Oleum Olivarum
6. Кунгабоқар мойи – Oleum Helianthi
7. Зиғир мойи – Oleum Lini

I. Канакунжут мойи – канакунжут ўсимлиги уруғларидан олинади, таркибида уч глицерид рицинол кислота сақлайди.

Учглицерид рицинол кислотаси ўз ўзадан сурги таъсир этмайди. Оғиз орқали қабул қилинганда

канакунжут мойи ошқозондаги тўпланган массани бўшатиб ичаклар томон ҳаракат

қилинишига ёрдам қилади. Шундан кейин у ўн икки бармоқ ичакнинг ишқорли суюқлигида

рицинол кислотасининг тузлари ва глицеринга парчланади. Мана шундан кейин ўзига хос таъсир

кўрсата бошлайди, яъни ичаклардаги сезувчи асаб учлари рецепторларини қитиклайди, натижада

ингичка ичаклар қисқариши тезлашади ва сурги таъсирини намоён қилади.

Лекин рицинол кислотаси тузлари жуда тез сўрилади, шунинг учун ҳам сурги таъсири ингичка ичакларда чегараланиб, йўғон ичаклар бошланиш билан тамом бўлади. Канакунжут мойини нисбатан ингичка ичакларга таъсир этиши туфайли уни сурги таъсирида кўпроқ гўштхўр ва ҳаммахўр ҳайвонларда қўллаш самарали таъсири, 4-6 соатдан кейин бошланади. Ўтхўр ҳайвонларда сурги таъсирини намоён этиш учун кўпроқ канакунжут мойидан қўллаш талаб қилинади. Канакунжут мойи ингичка ичакда таъсир қилиши учун қорамолга 400,0. агарда йўғон ичакларда бўлса 1 кг беришга тўғри келади, бу жуда қимматга тушиб кетади, бундай ҳолларда бошқа сурги моддалар қўлланилади.

Канакунжут уруғида канакунжут мойи билан биргаликда заҳарли модда - **рицин** бўлади.

Бу модда айрим ҳолларда ҳайвонларни заҳарлайди. Рицин ошқозон ва ичаклардаги

рецепторларни жуда кучли қитиклайди, натижада қусиш ва ошқозон ва ичакларда ўткир катарал

яллиғланиш чақиради. Бир нечта уруғидан истеъмол қилинганда одам ва ҳайвонларни ўлимга олиб келади.

Қўлланилиши. Сурги дори сифатида майда ҳайвонларга ич қотишларда, ошқоҳон ва ичакларда озуқалар тикилиб қолганда, захарланишларда қўлланилади

Ташқи томонга спирт билан 1:2 нисбатда сочларни ўстириш учун қўлланилади. Бундан ташқари Вишневский мази таркибида яралар ва дерматитларни даволашда ишлатилади.

Дозалари:(оғиз орқали), Қорамол – 250,0-800,0, отларга – 250,0-500,0, майда шохли молларга – 50,0-200,0. чўчқаларга – 20,0-100,0, итларга – 15,0-50,0.

Антрахинон унумлари.

Ичакларни йўғон бўлимлари сурги таъсир этувчи моддаларга антрахинон унумлари сақловчи баъзи бир ўсимликлар киради. Буларга:

1. Сабур – Aloe
2. Сабур настойкаси – Tinctura aloe
3. Сенна барги – Folium senne
4. Равоч илдизи – Radix Rhei
5. Эмодин – Emodinum

Сабур – Aloe – алоэ ўсимлиги шираси, аччиқ таъмли, ўзига хос ҳидли.

Алоэ дори сифатида жуда қадимдан ишлатилиб келинган, уни мисрликлар бундан 3300 йил олдин ишлатганлар, кейинчалик бу дорини ҳиндлар, римликлар, юнонлар ишлатганлар. Сурги дори сифатида сабурни немис фармакологи Парацельс кенг қўллаган. Ҳозирги вақтда ҳам ушбу дорини аҳамияти, дориворлик кучи йўқолгани йўқ

Алоэ ўсимлик таркибида асосий таъсир этувчи моддаси – антрогликозидлар ҳисобланади. Бу бирикмалар ичакларга тушгач эмодин ва алаинга парчаланиб, ичаклардаги рецепторларни қитиқлайди ва сурги таъсир кўрсатади.

Кичик дозаларда иштахани очади, овқат ҳазм қилишни яхшилади, ўт ажралишини кучайтиради.

Катта дозаларда йўғон ичакларга тушгач, сурги таъсирини намоён этади, сурги таъсири 12-16 соатдан кейин бошланади ва 8-24 соат давом этади.

Сабур отлар учун энг яхши сурги дори ҳисобланади. Қорамоллар, қўй-эчкилар ва чўчқаларда эса бу дориларга нисбатан сезувчанлик суст.

Лекин, сабур бўғоз ҳайвонларга сурги дори сифатида қўллаш тавсия этилмайди, чунки йўғон ичакларни кучли қитиқлаш натижасида рефлектор йўл билан орқа тоз қисмида жойлашган органларга кучли қон оқишини таъминлайди, бундай ҳолат бола ташлашгача олиб келади.

Қўлланилиши: Сурги дори сифатида ич қотишларида, ичакларда озиқа тиқилиб қолганда ёки газ тўпланганда қўлланилади, бундан ташқари ўт ҳайдовчи сифатида жигар касалликларида.

Ҳайвонларга оғиз орқали хабдори шаклида, бўтқа шаклида, кукун шаклида қўлланилади.

Қўлланилмайди: ўткир гастрит ва энтерит, юрак ишини бузилиши бўлганда, бўғозлик даврида, сигирлар соғилиши даврида, чунки сабур таъсирида сутда аччиқ таъм пайдо бўлади.

Дозалари; (оғиз орқали), Қорамолларга – 20,0-35,0, отларга – 20,0-35,0, майда шохли ҳайвонларга – 10,0-15,0, чўчқаларга – 5,0-10,0, итларга – 1,0-3,0.

Подофиллин типидagi сурги моддалар.

1. Подофиллин – phodophyllinum. Бу модда подофиллин ўсимлиги илдизидан олинади. Сарик рангли порошок, аччиқ таъмли, сувда эримайди, спиртда эрийди. Бу моддани сурги таъсири хазм йўли сезувчан асаб охирларини қитиқлаш билан юзага келади, яъни ошқозондан бошлаб, то йўғон ичакларгача. Бироқ йўғон ичакларда бу моддани таъсири ошқозон ва ингичка ичакларга қараганда кучли намоён бўлади. Сабаби, подофиллин йўғон ичакларда кўпроқ тўпланади. Сурги таъсири 16 соатдан кейин бошланади.

Қўлланилиши. Подофиллин сурункали ич қотишларда, яъни ингичка ва йўғон ичаклар функцияси бузилганда ҳам ўт ажралишини кучайтириш учун қўлланилади.

Дозалари;(оғиз орқали), Қорамолларга - 5-15,0 , майда шохли ҳайвонлар - 1,0-3,0, отларга – 20,0-35,0, чўчқаларга – 5,0-10,0, итларга – 1,0-3,0.

2. Фенолфталеин - оқ рангли порошок, ҳидсиз ва таъмсиз, сувда эримайди, спиртда эрийди. медицинада пургшен номи билан таблетка ҳолида ишлаб чиқилади. Ошқозонга таъсири йўқ, лекин ичакларда ишқор ва ўт

суюқлиги таъсирида эриб, китикловчи таъсир этади. Бу дорини ичаклардан сўрилиши қийин, шунинг учун ичакларда тўпланиб сурги таъсирини кўрсатади. Айниқса, йўғон ичакларда таъсири, ингичка ичакларга нисбатан 5-10 баробар кучли ва таъсири 3-5 кун чўзилиши мумкин.

Фенолфталеин фақат ит ва мушукларга сурги дори сифатида қўлланилади, ўтхўр ҳайвонларда таъсири кучсиз.

Дозалари;(оғиз орқали) итларга - 0,05-0,1, мушукларга – 0,01-0,02.

3. Изофенин. Оқ порошок, сирка кислота ҳидига ўхшаш, сувда ва спиртта эримайди. Таъсири фенолфтоленга ўхшаш, оғиз орқали қўлланилганда ошқозонда ўзгармайди, лекин ичакларда шиллик пардаларни китиклаб сурги таъсирини намоён қилади. От ва итларга пиллюла ва бўтқа шаклида берилади.

Дозалари;(оғиз орқали) отларга – 0,15-0,2, итларга - 0,005-0,012.

ТУЗ СУРГИ ДОРИЛАРИ.

Туз сурги дорилари ветеринария амалиётида сурги дори сифатида энг кўп қўлланиладиган самарали воситалардан ҳисобланади, чунки бу дорилар ҳамма ҳайвонларга ва ичакларнинг ҳамма бўлимларига бир хилда таъсир қиладиган зарарсиз воситалар ҳисобланади.

Уларга қўйидагилар киради:

1. Натрий сульфат (глоубер тузи) –
2. Магний сульфат (аччик туз) – *Magnesii sulfas*
3. Сунъий карловар тузи – *Sal. Carolinum factitum*.
4. Калий сульфат - *Kalii sulfas*

1. Натрий сульфат (глоубер тузи). Оқ кристалл порошок, хидсиз, шўр таъмли, сувда эрийди.

Натрий сульфат кичик дозаларда ошқозон ва ичаклар секрецияси, моторикасини кучайтиради, овқат ҳазм қилишни яхшилади.

Натрий сульфат катта дозаларда сурги таъсирини намоён қилади.

Натрий сульфат жуда актив ва кам захарли сурги дорилардан бири ҳисобланади. Ичакларга эритма ҳолида киргач, у ичакларда сувни тўплайди. Сув ичаклар катта миқдорда тўпланиб, ичаклар деворини қисади, натижада рефлектор равишда перисталтикани кучайтиради. Бу ҳолат ичаклардан тузлар тўлиқ чиқиб кетгунча давом этади. Натрий сульфат 4% ли

концентрация сурги таъсирини намоён қилади, концентрация кучайган сари сурги таъсири кучая боради.

Натрий сульфат 8-10 % концентрацияларда сурги таъсири ўтхўр хайвонларда 3-4 соатда, гўштхўр хайвонларда 1-2 соатдан кейин бошланади.

Қўлланилиши. Натрий сульфат сурги дори сифатида, ичаклар спазмида, кўп овқат еб кўйганда, захарланишларда қўлланилади.

Дозалари; катта хайвон 300 – 600,0, отларга 300,0-500,0, қорамолларга 400-800,0, қўй -50-100,0, чўчқаларга 25-50,0, итларга 10,0-25,0

2. Магний сульфат (аччиқ туз) – оқ кристалл порошок, сувда яхши эрийди, шўр таъмли.

Оғиз орқали қўлланилганда таъсири механизми, қўлланилиши, дозалари, худди натрий сульфат сингари бирхил.

3. Сунъий карловар тузи – оқ порошок ҳолда, сувда эрийди, шўр таъмли, таркиби натрий сульфат, натрий гидро карбонат, натрий хлорид ва калий сульфатдан ташкил топган туз.

Хайвонларга овқат хазм қилишни яхшилаш мақсадида ўт хайдовчи ва сурги дори сифатида фойдаланилади.

Руминатор моддалар

(катта қоринни кўзгатувчи моддалар).

Руминатор моддалар – ошқозон бўлимлари, айниқса, катта қоринни рецепторларини китиклаб, рефлектор равишда уларни қисқаришини тикловчи моддаларга айтилади.

Уларга қуйидагилар киради;

- 1. Чемерица илдиз – Rhizoma Veratri**
- 2. Чемерица настойкаси – Tinctura Veratri**
- 3. Ипекакуана илдизи – Radix Ipescuanhae**
- 4. Вератрин – Veratrinum**

1. Чемерица илдиз. Бу ўсимлик Россияни ўрта ўрмон вилоятларида ўсади.(Б - руйхат). Ўсимлик илдизида асосий таъсир этувчи моддалар - алкалоидлар (1,5%) сақлайди: протавератрин, асабин алкалоидлари. Ушбу алкалоидлар ошқозон шиллиқ пардасидаги асаб охирларини китиклаб,

хайвонларда руминатор ёки қусиш рефлексини ҳосил қилади. Бу дори ўтхўр хайвонларда оғиз орқали қўллаганда руминацияни кучайтиради, кавш қайтаришни тиклайди. Бошқа хайвонларда эса қусишни чақиради. Чемерица ит ва чўчқаларга заҳарланишларда қусириш мақсадида қўлланилса, кавшовчи хайвонларга руминатор дори сифатида кавш қайтаришни кучайтириш, катта қорин озуқага тўлиб қолганда, атонияда, сурункали тимпанияда кенг қўлланилади. Бундан ташқари, хайвонларни эктопаразитларга қарши ташқи томонга қўлланилади. Амалиётда чемерица илдизи настойка шаклида қўлланилади.

Дозалари. (оғиз орқали). Қорамолларга 5-10 мл, қўй-эчкиларга 1- 4 мл, чўчқаларга 1-2 мл, итларга 0,1-0,2 мл.

2. Ипекакуана илдизи. Тропик ўсимлик илдизи бўлиб, таркибида эметин, цефаэлин каби алкалоидлар сақлайди. Ипекакуана илдизи ошқозонга тушгач, ошқозон шиллиқ пардаларидаги асаб охирларини қитиклаб, руминатор таъсир этади. кавшовчи хайвонлар учун энг яхши руминацияни тикловчи дори ҳисобланади.

Катта дозаларда эса қусирувчи таъсир этади кавшовчи хайвонлар учун ипекакуана яхши руминатор восита сифатида катта қорин озуқага тўлиб қолганда, катта қорин атониясида қўлланилади.

Дозалар. қорамол 2-10,0, отлар 0,5-3,0, қўй-эчки 0,2-3,0.

Ўт хайдовчи моддалар

Ўт хайдовчи моддалар деб – ўн икки бармоқли ичакга ўт суюқлигини ажаралиб чиқишини кучайтирадиган моддаларга айтилади. Ўт суюқлиги жигарда ҳосил бўлади ва у марказий асаб системаси томонидан бошқарилиб турилади. Марказий асаб системасини ва парасимпатик асаб системаси кўзғатувчи моддалар ўт суюқлиги ажралишини кучайтирса, марказий асаб системаси сусайтирувчи моддалар ва симпатик асаб системасини кўзғатувчи моддалар ўт суюқлиги ажралишини камайтиради

Фармакологияда ўт хайдовчи дорилар уч гуруҳга бўлинади;

1. Ўт ҳосил бўлишини кучайтирувчи моддалар: **эфир мойлари, дегидрохолин кислота, дехолин, холензим, холосас, аллохол, макка пўпаги.**
2. Ўт пуфаги ва йўллари тонусини тиклаб ичакларга ўт суюқлигини чиқишини яхшиловчи моддлар: **магний сульфат, папаверин, атропин, гистамин, пентон.**

3. Яллиғланишга қарши таъсир этиб, ўт суюқлигини чиқишини яхшиловчи моддалар: **кальций бирикмалари, вит К, В₁₂, никотин кислота.**

Ўт ҳайдовчи моддалар жигар касалликларида, ўт йўли ва ўт пуфаги яллиғланиш касалликларида қўлланилади.

1. Дегидрохолин кислота. Оқ порошок, ҳидсиз, аччиқ таъмли, спиртда эрийди. Таъсири ўт ажралишини кучайтиради ва сийдик ажралишини яхшилади. Ҳайвонларга оғиз орқали ва вена томирига жигар функцияси бузилганда, юрак етишмовчиликларида шишлар пайдо бўлганда қўлланилади.

Дозаси.(оғиз орқали). От ва қорамолларга 3,0-6,0, чўчқаларга 1,0-3,0, итларга 04,0 – 2,0.

2. Аллохол. Таркибида ўт, актив кўмир, саримсоқ пиёз экстракти сақлайди. У ошқозон, ичаклар моторикаси ва секрециясини активлаштириб, ачиш, чириш ҳолатларини пасайтиради. Ўткир ва сурункали жигар ва ўт йўли касалликларида, тимпания, атонияда қўлланилади.

Дозаси. (оғиз орқали). Бузоқларга 09,0-6,0, итларга 05,-1,0, мушукларга 0,25-5,0

3. Холензим. Ўт суюқлиги ва ошқозон ости беши ферментлари аралашмаси. Гепатит, холицистит, гастрит ва энтеритларда қўлланилади.

4. Макка пўпаги. Дамлама шаклида 1:10,1:20 нисбатда ўт ҳайдовчи ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади.

Дозаси. (оғиз орқали). Отларга 30,0-60,0, қўй ва чўчқаларга 20,0-40,0, итларга 10,0-20,0.

АДАБИЁТЛАР:

- 1.Мозгов И.Е. «Фармакология» - 1985 йил.
- 2.Рабинович М.И.«Практикум по вет. фармакологии и рецептуре»- 1988й
- 3.Азизова «Фармакология» - 1994 йил. Тошкент
- 4.Махсудов М.Н., Маликов М.М. «Фармакология», 1997й. Тошкент